ФАРҒОНАДА ИХТИРОЧИ АЁЛЛАР САРАЛАБ ОЛИНДИ

Фарғона политехника институтида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Ихтирочи аёллари маркази ташаббуси билан иқтидорли хотин-қизлар фаолиятини рағбатлантириб бориш мақсадида ўтказилиб келинаётган “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловнинг дастлабки босқичида ғолиб бўлган 100 нафар олима, тадбиркор ва ҳунарманд аёллар белгиланган номинациялар бўйича ўз лойиҳалари билан иштирок этдилар.

Тадбирда вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Гулнора Жўраева, вилоят Ихтирочи аёллар уюшмаси раҳбари Камола Ҳакимовалар иштирок этиб, танловнинг аҳамияти ва нуфузи ҳақида тўхталиб, иштирокчиларга омад тилашди.

Танлов иштирокчилари энг яхши ихтиро ва фойдали модель номинацияси, энг яхши саноат намунаси селекция ютуғи ва рационализаторлик, энг яхши АКТни ривожлантириш бўйича инновацион лойиҳа, тиббиёт соҳасидаги инновацион лойиҳа, энг самарали инновацион лойиҳа, энг яхши педагогик технологиялар бўйича энг яхши лойиҳа, иқтидорли қизнинг энг истиқболли инновацион ғояси, энг яхши бизнес лойиҳа, “Омадли старт” номинацияси, ҳунарманд хотин-қизларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси номинациялари бўйича ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Иштирокчилар томонидан тақдим этилган барча лойиҳалар экспертлар кенгаши аъзолари томонидан ўрганиб чиқилиб, ғолибларга танловнинг республика босқичига йўлланмалар берилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-08-05 10:36:56